

ПАРТИЯ, ҲУКУМАТ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИНИНГ НАМОЙИШИ



Суратларда: 1. Пойтахтдаги 130- сайлов участкасининг 75 ёшли сайловчиси Ойиса Пулатова кесаллигига қарамай коммунистлар билан партиячилар халқ блокнинг кандидатураси учун сайлов участкасига бориб, овоз беришни лозим топди. Ойиса хола сайлов бюллетенини кутга ташламоқда. 2. Комсомол қиз З. Арутюнян бу йил сайловда биринчи марта қатнашди. У коммунистлар билан партиячилар блокнинг кандидатураси учун овоз бермоқда.

В. Салов фотоси.

106 ёшли сайловчи

Тошкент тоғотари жуда гўзал кўринади. Байрам либосини кийган кўркам шахар жуда гавжум бўлган. 160-сайлов участкаси эрта тонгдаёқ жуда гавжум эди. «Хуш келибсиз» деган сўзлар эсиб қўйилган.

Соат 6 бўлганда, барча сайлов участкалари каби бу участкада ҳам овоз бериш бошланди. 18 ёшга тўлга новқиронлар, ўрта ёшли кишилар, кексалар сайлов хоналарига кириб овоз бера бошладилар.

Бу ерда, сайлов участкасига келган 106 ёшли сайловчи Ибодоллоев Сиддиқхоновани барча сайловчилар хурмат билан кутиб олдилар. Бир асрдан ортиқ яшаган, 45 дан ортиқ фарзанд — ўғил, қиз ва неварачевара кўрган бу табаррук она ҳали тетик.

Сайлов участкасининг секретари унга хурмат билан бюллетень узатди. Она ўз граждандик ҳуқуқи билан бу ердаги ёшлар ёрдамида сайлов хонасига кириди. Унга маҳаллий Советларга сайланаётган халқимизнинг эг яхши ўғил-қизларининг номларини ўқиб беришди. Она ўз

қўли билан сайлов кутисига бюллетень ташлади.

Она овоз бериб чиқдич, юзлаб сайловчилар унинг атрофини ўраб олдилар. Ҳамма у билан сўзлашмишга интилар эди.

— Болаларим, мен жуда кўпни кўрдим. Илгариги замона оқ дошдо дарида биз хотин-қизлар сайлаб, сайлашни нимадигини билмас эдик. Фақат эркаклардан бўйлар, амалдорлар сайлабдиган, деган сўзни эшитиб эдик, холос.

Мана 40 йилдан буён совет замонида бир неча бор сайловга қатнашмоқдам. Халқнинг ҳаммаси сайловчи эканини билиб, кўриб турибман.

Болаларим, ҳукуматга мен, кексанинг, хурсандлигини билдириб айтишлар деб сиздан илтимос қиламан, — дейди кекса сайловчи.

Ибодоллоев она сайлов участкасига анча ўтирди. У чин қалбидан ҳаммининг бахтини бўлишини тилади. Сўнгга енгил машинага тушиб уйига томон йўл олди.

Ю. ҲАМДАМОВ.

Фаровон турмушимиз учун

Янгибўда маҳаллий Советларга сайловлар умумхалқ байрамига айланиб кетди. Биринчи Янгибўда МТС клубига жойлашган 8-сайлов участкаси байрамдагидек безатилган. Бу ерда механизматорлар овоз бермоқдалар. Сайлов участкасига кўнлар қаторида барвақт келган тракторчилар бригадасининг бошлиғи Алексей Фролович Сергеев биринчи бўлиб овоз берди. 12-сайлов участкасига биринчилар қаторида овоз бериб чиққан 90 ёшлиқ Ашур ота Зулфайдаров дунёда энг демократик бўлган совет сайлов системасининг афзаллиги ҳақида бир гуруҳа келхончиларга таъриб бермоқда.

— Мен, — деди у, — пешонамни ёруғ қилган партия ва ҳукумат учун, халқимизнинг, турмушимизнинг янада фаровонлиги учун, қишлоғимизнинг гуллаб-яшнаши учун овоз бердим.

Бригада бошлиғи Фозил Қўчқоров бундай дейди:

— Мен совет кишиларининг ҳаётини ва турмушини фаровон қилишга доимо ғамхўрлик қилиб келаятган ва бизнинг оёқимизга келган халқимизнинг ҳаётини таъминлаган партия ва ҳукуматимиз учун овоз бердим.

Т. НИШОНБОВ.

Умумхалқ байрами

Сайлов тоғотари. Пойтахтнинг Социалистик шаҳарчаси осмонда шодлик куйлари ёнма-ярагандайди. Бугун шаҳарчада ҳар кунгидан артароқ ҳаёт бошланди. Шота Рус-таваси, Богдан Хмельницкий, Педагогический, Школьный, Островский кўчалари ҳушчақақ ёшлар ва кексалар билан гавжум. Улар ўз граждандик бурчларини адо этиш учун сайлов участкалари томон йўл олмоқдалар.

Мана, Тўқимачилик институтининг ҳашаматли биноси. Баланд дараклар ўртасида ҳал кўтарган бу бинода 131- ва 139- сайлов участкалари жойлашган. Пешоқога катта ҳарфлар билан «Хуш келибсиз!» сўзлари ёзилган, шифр ва қизил алвонлар билан навиш қилиб безатилган.

Бионинг олди ранга-ранг электр лампочкалари нурида товланиб қўйилган камаштиради. Тўда-тўда бўлиб сайловчилар тўқини оқиб келмоқда. Буларнинг кўпчилиги пойтахтнинг энг йиллик саноат корхоналари — тўқимачилик комбинати, «Ташкестилмаш» заводининг ишчи ва хизматчиларидир. Бир кун илгари яхшиаб безатилган тахт қилиб қўйилган иккала сайлов участкасининг ёруғ ва баҳаю хоналари, қизил дубоаларга ўралган яширин овоз бериш кабиналари кишини қувонтиради. Коридорларга поёндоз ва гилламар тўшалган. Юзлаб тувакчаларда жонли гуллар кулф уриб очилиб турибди.

Соат беш минутти кам олди. Духов оркестр Ҳабекстон ССР Давлат

Оҳангаронликларнинг бирдамлиги

Оҳангарон шахрида маҳаллий Советларга сайлов шахтерлар, бинокорлар, цементчиларнинг зўр уюшқоқлиги билан ўтди. Шаҳар корхоналари сайловни юқори меҳнат кўрсаткичлари билан нишонладилар. 9-шахта коллектив сайловдаги социалистик мусобақасида қатнашиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятни шараф билан бажардилар — мамлакатга пландагидан ортиқча 8 эшелон кўмир бердилар.

16-сайлов участкаси соат 6 бўлмадан сайловчилар билан тўлди. Биринчи бўлиб биринчи марта овоз берувчи 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Сиддиқ Қўролов овоз бериш кутисига бюллетенларни ташлар экан бундай деди:

— Менинг ҳаётимда бу йил иккита катта қувончли воқеа юз берди. Бу йил ҳаётимда биринчи марта сайловга қатнашмоқдам. Шу йилнинг ўзига 10-синфинг битираман. Мактабда битирган албатта шахтага кириб ишлайман, она-Ватанга қўлаб кўмир етказиб беришда чарчаймай меҳнат қиламан.

17-сайлов участкасига овоз берувчи 9-шахтанинг мустақамловчиси Узоқов Мутосилов 3-мартини сайлов вақтасида туриб кутиб олди. У шу кун ишлаб чиқариш топиригини 130 процента етказиб бажарди. У овоз бериш кутисига енгил келиб, жонжон партиячилар, совет ҳукуматимизга бўлган муҳаббатини илҳор этди.

Шахтерлар, цементчилар, бинокорлар жасад сийси кўтаринки руҳда зўр уюшқоқлик ва бирдамлик билан совет халқининг асид фарзандлари учун овоз бердилар. Соат ҳали 1 ҳам бўлмаган эди шаҳардаги 20 та сайлов участкаси сайловчиларнинг даярлик ҳаммаси овоз бериб бўлдилар.

Сайлов шахар аҳолисининг катта байрамига айланиб кетди.

М. РАҲИМОВ,
И. АҲМЕДОВ.

Жабборнинг қувончи

Эрта тонг. Хрушчев номи қолхўз правленисининг клуби байрамдагидек шинам безатилган. Сайлов, комиссиясининг секретари ўртоқ А. Собиров соат 6 та 5 минут қолганда сайловчиларни кутиб олабшадилар.

Сайловчилар уюшқоқлик билан сайлов участкаси томон келмоқдалар. Биринчи бўлиб сайлов бюллетенини 9-синф ўқувчиси Жаббор Умаров олди. У, ўз қувончини ифодаб бундай дейди:

— Бу кун — менинг ҳаётимда катта қувончли кундир. Октябрь қўшини, Ленин партияси шараф халқига янги ҳаёт ва янгица яшаш режасини тузиб берди. Шунинг учун партиядан чексиз миннатдорман.

Мен ҳам овоз бераётган тенгдошларим, ота-оналарим каби Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, фанинг янада ривожланиши ва тинчлигини мустаҳкамлаш учун овоз бераман.

Шу кун А. Раҳматуллаев, Р. Мираев, М. Дусоевлар ҳам биринчи марта овоз бериб, ўз граждандик бурчларини зўр ифтихор билан адо этдилар.

Х. ТУЛЕБОВ,
Қорасу району.

РЕПОРТАЖ Бизда яшаш катта бахт

Эрта баҳорнинг кишини ҳузур бахш этувчи енгил шабадаси эсиб турибди. Кўчаларда, биноларнинг пештоқасида нур сочиб турган ҳисобсиз электр лампалари порлайди.

Асфальтланган йўлдан учиб бораётган «Победа» фаралари участка жойлашган — Молия-иқтисод институтининг кўркам фасадига, ундаги қизил алвонларга, улар Лениннинг портретига тушганда бу жой анда гўзаллашиб кетди. Машинадан маҳалланинг энг кекса сайловчиси Жалолиддин ота Каримов тушди. Уни ағинупт ходимлари иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, залга таклиф қилдилар. Залда тўланганлар кекса сайловчининг кутига ақиналаштириб айтган гапларини завқланиб тингламоқдалар. Отаҳон анча тетик, анча бардам. У қаддини тик тутиб гапирарди.

— Утган сайловда мана шу кутиб енгил туриб Мирза Абдувоҳоб назз айтган эдилар. Кўн яхши одам эди раҳматлик. 103 да қазо қилдилар. Аммо армонда кетмадилар. У кишининг катта фарзанди шу институтда ўқитувчилик қилади. Кичик ўғли заводда инженер бўлиб ишлаётди. Талайгина неварачеваралари институт ва дорилфунунларда илм олишяпти. Болаларим, мен сизларга айтсам, бу Ватанда яшаш катта бахт. Мирза Абдувоҳоб тўғрисида гапирганимнинг важи шуки, яъни у киши хат билардилар. Шунинг учун бурунги қозилар, мингбонилар сайловда қатнашиб кўрганлар. Бир кун пристав мингбоний сайловчи эдилар шаҳар қозиси ва бойларини йиғибди. Мирза Абдувоҳоб ҳам хўжайини — қози билан бирга бу йилгида қатнашган эканлар. Пристав қози ва бойларга мурожаат қилиб: «Жаноблар, мингбоний сайловчи ақиналаштириб» дебди-ю, бироз қачон ва бунинг учун қандай ишлар қилишини лозимлигини айтмабди... Уш қуни тонг отгунча приставнинг уйда мингбонийлик учун ким ошди бўлган экан, яъни приставга ким кўн пул берса, шу мингбоний бўлиб сайлашини керах экан...

Уш жабборлардан лоқат бирортаси одий фўқор тўғрисида, «сайловчилар» тўғрисида шавма ҳам қилмаган экан. Мана сизга эски замонлардаги сайловлар. Уларни сайлов эмас, амал савдоси деса тўғрироқ бўлади...

Зўр уюшқоқлик

«Ташсельмаш» заводи шахарчаси территориясида икки сайлов участкаси жойлашган. Бу участкалардан маҳаллий Советларга шонра Зулфия Исроилова, новатор-вагончиси Мажид Рўззаматов, илгор слесарь Махмуд Жиров ва бошқалар овозга қўйилган.

Овоз бериш бошланмасдан эрта тонгдан сайлов участкалари олдига ётоқхоналарда яшовчи ёш ишчилар, 14-хунар мактабининг ўқувчилари ва ўилаб шу район территориясида яшовчи меҳнатқашлар тўпландилар.

Овоз бериш бошланди. Сайловчилар оқими борган сари қувоқлашиб, қўлаиб бормоқда. Бу ерда турли миллатларнинг хилма-хил касб ва турлича социал аҳолига эга бўлган кишиларини урватиш мумкин. Ирки, миллати ва ижтимоий аҳолидан қатъий назар уларнинг ҳаммаси сайловда актив қатнашиб коммунистлар билан партиячилар блокнинг канди



Суратда: Фрунзе районидagi 132- сайлов участкасига. Сайловчилар яширин овоз бериш учун сайлов бюллетенларини олмақдалар. В. Салов фотоси.

Жалолиддин ота қўлидаги бюллетенларини кутига ташларкан шонли партия ва жонжон ҳукуматимиз шаънига таъриб сўзлари айтди.

Отдан сўнг қўларидан қувонч ёғилиб турган артель ишчиси Мунира Аюпова кутиб енгил келди. У биринчи мартабга сайлашди. Халқ кандидатураси учун овоз бериш борган сари авж ола бошлади. Ёшлар, кексалар бир-бирларига хушчақақ бокби сайлов участкасига кириб келаятирлар. Бу ерда кино, оммавий ўйинлар бўлаётди, қиз, йигитлар таъца тушмоқдалар.

3 март кун соат 12 ларда барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўсалар ҳам байрам танталарини ярим кечагача тинмади.

Г. ДЕМИДОВ.

Овозим сизга, фарзандларим

Тошкент области, Юқори Чирчиқ районидagi 23-«Политотдел» сайлов участкаси соат 6 бўлмадан сайловчилар билан тўлди. Сайлов участкасининг раиси Ким Сан Чир сайловчиларни таъриблар бундай деди:

— Бугун 3 март — маҳаллий Советларга сайлов кунини. Бу умумхалқ байрамни сайловчиларимиз ажойиб меҳнат галабалари билан кутиб олдилар. Энди қўлдан бери билинг манфаатимиз учун хизмат қилаётган, маҳаллий Совет депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган номзодларимизга ақиналиқ билан овоз беришга қадрибаман, марҳамат!

Соат 6. Биринчи бўлиб «Политотдел» қолхўз кексаларини Олимжон Солиев бюллетень олди. У бюллетенларини сайлов кутисига ташлар экан:

— Мен номзодларимизни кўпдан бери танийман. Врачима Маъдали Усмонов, районимизнинг энг илгор қизларидан Фароҳат Зияевлар кўзим олдида ўсиб, балогатга етдилар. Ҳаммамиз бирга меҳнат қилдик. Мана шу меҳнатимиз тўғрисида уларга нур кирди, белимизга қувват тўлди. Мен номзодларимизга овоз бериш билан уларни иккинчи марта депутат қилиб сайланганликларини билан таъриблайман.

Биринчи марта овоз бериш учун

кексан Лариса Рем ҳаммининг диққатини ўзига жалб қилди.

3 март ҳаётимда бахтли кўн бўлиб, қалбимда мангу сақланади. Мен халқимизнинг ишончига сазовор бўлган номзодларимиз учун чин кўнгилдан овоз бериб, уларга келажакдаги ишларига муваффақиятлар тилайман.

Сайловчилар тўқини сайлов участкасига томон ора бошлайди. Кексалар, ёшлар бирин-кетин бюллетень олиб овоз бера бошладилар. Илгор сўт соғувчи, «Хўмат белгиси» орғени билан муқофотланган Ким Бадокия кўнчилиқ қаторида овоз бериш билан бирга ўзига бир қилиб 12 енгилнинг ҳар бириндан 3 минг илгидан сўт соғиб олиш мажбуриятини олди. Бундай ватанпарвар сайловчиларнинг кўнчилиги оташини нугтарлар сўзлаб овоз берди.

Сайлов участкасига сайловчилар учун ҳамма имкониятлар яратилган эди. Улар қинд ва рус тилларида 4 та кинокартина кўрдилар. Қолхўз ҳаваскорлар тўғрисида коьпорт қўйиб берди.

Соат 10 да меҳнатқашлар маҳаллий Советга депутат қилиб кўрсатилган номзодларга овоз бериб бўлдилар. Номзодларнинг ҳаммаси маҳаллий Советларга депутат қилиб сайландилар.

Р. ИСХОҚОВ.



Суратда: Кекса коммунист Султонхўжа Қосимхўжаев овоз бермоқда.

Суратда: 1. Янгибўда шахри, 5- сайлов участкасига сайловчи пенсионер А. Тоғас (чапда) биринчи марта овоз бераётган З. Тошмуратова ва Т. Самаҳўжаевлар билан сўзлашмоқда. 2. Орхонқизде району, Сталин номи қолхўзиди 6- сайлов участкасига эвено бошлиғи Хўжа Галимғозов овоз бермоқда.

Р. Шамсуддинов, И. Душкин фотолари. (ЎЗАТГ фотохроникаси).

лан гармонист. Ўғил, таъца, кулги. Ҳаммаёқда шодлик ҳужм сурди.

Сайловчилар Навоий номидаги опера ва балет театрининг бир гуруҳа артистларини қизгин кутиб олдилар. Ўзбекистон ССР кутиб артистлари Карим Зокиров, Галия Нурмаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саттор Ярашов, Авер Бароев, Любимова, Хўжасандовлар бир соат мобайнида берган концер томоабинларда катта таъсирот қозғидилар. Сайловчилар ҳазирга ёқлаб овоз берган — ўз депутатлари Галия Нурмаеванинг ажойиб ўйинларини зўр қониқиб билан ташлаб қилдилар. Ҳамма ўз қалбига «Биз сизга овоз бердик, сен бизга хизмат қилаёсан» туйғуси билан уни қиғини олқиллашди.

Фрунзе районидagi 131- сайлов участкасига эрталаб соат 11 даёқ сайловчиларнинг жуда кўп қисми овоз бериб бўлган эди. Улар област Советига номзоди кўрсатилган Ўзбекистон КИ Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Мухитдиновга, шаҳар Советига номзоди кўрсатилган тўқимачилик институтининг директори Зокир Абдуллаевни Абдуллаевга, шу институт профессора, техника фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан эроби, институт пах-

тани дастлабки ишлаш кафедрасининг музир Борис Апполонович Левковичга, район Советига номзоди кўрсатилган тўқимачилик комбинатининг кекса шлехтовалчиси Юсуфбек Кусубоевга ва бошқа шу каби қалқининг асл фарзандларига зўр қувонч билан овоз бердилар.

Ўзбекистон 25 йилдан буён комбинат қучидага қайрат билан ишлаб келмоқда. У доимо нормасини ошириб бажариш билан бирга сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради. Ўзбекистон комбинат биноси қурилишида шахсан иштирок этган ветеранлардандир. У 25 йил мобайнида жуда кўп ёшларга ўз ҳунарини ўргатди, уларга меҳнатта иштиқ ҳис-туйғуларини сингдириб берди.

Социалистик шаҳарчада, шунингдек пойтахтнинг ҳамма бурччаларида кечгача сайлов шодисеви давом этди. Умумхалқ сайловни чиндан ҳам умумхалқ байрамига айланди. Ҳамма жойда област, шаҳар ва район Советларига номзодлари кўрсатилган партия ва халқ шинаи содиқ бўлган энг яхши фарзандларга ишонч ва қувонч билан овоз берилди. Кекса революционер Султонхўжа Қосимхўжаев каби қариялар уйига сайлов кутиси олиб борили. Овоз бермаган ҳеч ким қолмади. Сайлов зўр тантанга билан ўтди.

М. ИКРОМОВ.



3 март кун 195- сайлов участкасига сайловчилар баъий ҳаваскорлар маҳоратини, турли хил фильмларини, оммавий ўйинларни томош қилдилар. Суратда: ёш сайловчилар таъца тушмоқдалар.

А. Абдуллаев фотоси.

